



Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг кадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда озми-кўпми ютуғимиз бор. Лекин килинадиган ишлар, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари хали бир талай. Ўзбек халкининг келиб чиқиши ва этник таркиби, Ўрта Осиё халқларининг чет эл истилочилари асоратига тушиб қолишининг сабаблари, Мовароуннаҳр халқларининг Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши сингари ўнлаб илмий масалалар ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. Дахшатлиси шундаки, фарзандларимиз ўз эл-юртининг тарихини яхши билишмайди, чунки уни биз кўп замонлардан бери мактабда талаб қилинган даражада ўқитаётганимиз йўқ.- Ханузгача «Ўзбекистон тарихи» дан мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларига мўлжалланган яхши дарслик ва қўлланмалар йўқ. Яқин йилларгача биз буни шахсга сизгиниш ва тургунлик йилларига тўнкаб келдик. Бу маълум даранода тўғри, албатта. Ўша даврлар етказган зарар жуда катта бўлди. Лекин маълум даражада ўзимиз ҳам айбли эканлигимизни бўй-нимизга олишимиз керак. Кайта қуриш шарофати билан кат-та-катта ишларга қўл урсанг эплай оладиган, тарихимизнинг ёзилмай қолган ва етарли ўрганилмаган саҳифаларини битсак бўладиган замонлар келганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Биз эса, тўғриси айтсам, жуда ёмон ишлаётимиз, ҳамон кимдандир, нимадандир ҳадиксираш балосидан қутулиб кетганимиз йўқ, ҳамон юқоридан кўрсатма қутиб турганга ўхшаймиз..

Шундай бўлса керак, биз тарихчилар, хусусан кадимги замон ва ўрта асрлар тарихидан мутахассис бўлган олимлар, кейинги пайтларда одамларнинг кўп эътирозларига дучор бўляпмиз. Улар биздан «нима сабабдан ханузгача ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида бирон жиддий асар ёзилмади?», «юртимизнинг кўп бор ўзга мамлакатлар ва халқлар асоратига тушиб қолишининг асосий сабаби нимада?», «нега Амир Темур ва авлодининг тарихи ёзилмаган?»— деб сўрайдилар. Ва яна ота-боболардан қолган қўлёзма асарлар ва моддий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, таъмирлаш ва авайлаб-асрашнинг умумий ахволи, мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихининг ўқитилиши билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида кизиқишадилар. Ҳа, бу — қонуний талаб ва кизиқиш албатта. Биз тарихчиларнинг бу борада халқимизда қарзимиз катта. Менимча, уни узадиган вақт етди, шекилли.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалик» лари, азиз ўқувчи, биз тарихчилар ва адиблар сизга етказиб беришимиз лозим бўлган қарз қитоблардан бири.

Бу китоб Темур ва темурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Китоб 1404 йили Самаркандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) кироли Генрих III (1390—1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо-нинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403—1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим бир асардир.

«Кундалик» муаллифи Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам кироли саройида йирик мансабда туришган. У кироли Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шаҳри Мадридга кетиб қолади ва умрининг охиригача ўша ерда истикомат қилади. Руи Гонсалес де Клавихо 1412 йилда вафот этади ва авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг хилхонасига дафн этилади.

Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самаркандга етиб келди. Бу саёҳатда Клавихога илоҳиёт илмининг номзоди (магистри) Альфонсо Паэс де Саита Мария, киролининг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳ бўлдилар. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга хожа Муҳаммад кози бошчилигида йўллаган элчилигига жавобан қилинган эди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80—90-йилларида Темур давлатининг шон-шухрати Оврўпо мамлакатларигача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юқорида тилга олинган Кастилия кироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Темур Қорабоғда турганда унинг ҳузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I Йилдириш (1389—1402) кўшинлари ўртасида бўлган энг катта қиргин-барот урушни томоша қилишган эдилар. Жангдан кейин уюштирилган катта қабул маросимида булардаи башка яна бирталай мамлакатларнинг элчилари ҳам қатнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темур билан Оврўпо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда қўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Булар Темур ва унинг учинчи ўғли Гарбий Эрон, Ирок ва Озарбайжон ҳокими мирзо Мироншох (1393—1408) билан Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Мактублардан айримлари бугун машҳур Британия музейи (Англия) ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Клавихонинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узок, ҳавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби шарқий тарафида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада Урта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Стамбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали курукликда йўл босдилар. Улар Термиз қаршисида Амударёдаи ўтиб, Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарканд қишлоқларидан Мисрга келдилар ва соҳибқироннинг шу атрофдаги қорбоғига келиб тушдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Туркия султонининг элчилари ҳам Самаркандга келдилар.

«Кундалик»да ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқининг кун кечирishi, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан

барпо этилган бинолар: касрлар, масжидлар, мадрасалар, хонакох-лар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Темурийлар давлатининг Хитой, Хиндистон, Олтин Урда (Клавихо уни Татаристон деб атайти), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган еиёсий ва савдо алокалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят, сохибқироннинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап. Сўзимнинг исботи учун бир неча мисол келтираман. Самарканд ва унда Амир Темур тарлфидан курдирилган бинолардан баъзилари ҳақида Клавихо жумладан мана буларни ёзади:

Самарканднинг бойлиги ҳақида. «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, [бошқа] ҳар хил гўшт, қўйиғки ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи дуқат». (Дуқат — Испанияда ўша вақтда амалда бўлган олтин пул.)

Катта хиёбон ва савдо расталари ҳақида. «Самарканд шаҳрида ҳар йили Хитой, Хиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарканд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой [шу пайтгача] йўқ эди. Подшоҳ икки тарафида қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат қўча ўтқизишни буюрди. Мазкур қўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, қок ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз [тинмай] меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар қимниги бўлишидан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Қўчанинг икки тарафига дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мрамр билан қопланган юксак қурсилар ўрнатилди. Ҳар бир дўкон иккита қонадан иборат эди. Қўчанинг тепаси қумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруглиқ тушиб турадиган тўйнуқчалар қўйилган».

«Шу йили (1404 йили — Б. А.) июнь ойида Қонқалиқ шаҳридан қарийб 800 туядан ташқил топган савдо қарвони Самаркандга қелди».

Урдабозор. [Катта тўй муносабати билан подшоҳ] «Са-марканд шаҳрининг савдо аҳли: саррофлар, қитқурушлар, қавохир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, новқойлар, қиқувчилар, қашдўзлар ва шаҳардаги бошқа барча ҳунармандлар подшоҳ ўрдаси қойлашган қланглиққа қикиб вачодир қикиб савдо қилсинлар, ҳар бир қосиб қарорқох бўйлаб қезиб, ўйин-қулқи билан одамларнинг баҳр-қилини очсин», — деб буюрди. Шундан қейин барча қижорат аҳли шаҳардан қикиб, подшоҳ қарорқохи атрофига қойлашдилар. Ҳар бир ҳунарманд тартиб билан алоҳида-алоҳида раста қосил қилиб, қарбий ўйин-қулқи уюштириб, қарорқох бўйлаб айландилар».

Қўқсарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб қикарувчи устақона ҳақида. «Шаҳар қетида бир қаср бўлиб... теқарак-атрофи сув оқиб турган қандак билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истехқом бўлиб қолган эди. Қасрда подшоҳнинг қазинаси сақланар, бу сабаб қозию қуззот (қози-қалон — Б. А.) ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч қим [у ерга] қиролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармоишига қиноан, бир мингга қикин ҳунарманд ақирлар қойлаштирилқанди. Улар салтанат учун йил бўйи соқут, дубулга, қамон, найза қасайдилар».

Амир Темурнинг ўзи билан бирга олиб юрадиган кўчма масжиди хакида. «Элчиларни... саропардада кўйилган ёғоч уй олдига бошлаб кирдилар. Бу баланд иморатга зинапоя оркали чи-килади. Унинг теварак-атрофи ёғоч дахлиз ва ойнабанд айвои билан ўралган эди. Тамом зархал ва хаворанг бўёқлар билаи нақшланган бу бино шундай қурилган эдики, керак бўлганда бўлак-бўлак килиб тахлаб кўйилса [хам] бўларди. Бу —под-шо ибодат киладиган масжид бўлиб, уни [Амир Темур] сафар-да ўзи билан бирга олиб юарди».

Махаллий халкнинг (уни Клавихо чигатойлар деб атайдилар) турмуш тарзи хакида. «У — меҳнатсевар, мохир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман урушда сабот-матонатли халк. У бориға каноат килиб, нонсиз [биргина] сут ва гўшт билан ҳам кун ке-чираверадиган, гўшти ва гўштсиз овқат билан ҳам тирикчи-лик килишга ўрганган халк. Иссик ва совукка, очлик ва таш-наликка чидамлилиқда жахондаги бошқа элдан саботлироқ ва чидамлироқ халк. Борида гўштни хаддан ортик истеъмол килади, йўғида сувға катик кўшиб кайнатиб ичиш билан кифояланади».

Феодал мажбуриятлардан бири хакида. «Темурбек отлари ва кўйларини ўз ясовулларидан бириға бир минг, бошқасиға ўн минг бошини сурув килиб, саклаш учун бўлиб берган. Подшоҳ талаб килганда сурувларни кайтаролмаган ёки туёғини мўл-жалдагидан камайтириб кайтаргундай бўлса, подшоҳ ҳеч қан-дай товон тўлаш шартларига қўнмайди, борини олади-ю, лекин гунохкорни қатлга буюради». Амир Темур саройида аёлларнинг мавқеи хакида. «1404 йил-нинг 23 октябрида, пайшанба куни подшоҳ ўрдада [яна бир] қатта тўй бериб, элчиларни ҳам [унга]тақлиф қилди. Тўйға қўп меҳмонлар келишди... Қўп ўйин-қулғи, хурсандчилик бўлди. Под-шоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари қийинишиб ҳозир бўлдилар, эрқаклар билан бирға ўйин-қулғи қилдилар...»

Шахзодалар ва Амир Темур саройидаги хотинлар тасвири. Хонзода бегим тасвири: «...Элчиларни ичкариға бошлаб кирди-лар, Хонзода [бегим] ўлтирган жойға яқинлашганимизда у эл-чиларни ўз қаршисидаги соябон остидаги супаға чиқиб ўлти-ришға тақлиф этди. Хонзода [бегим] ва унинг ҳузуридаги аёл-лар қатта қодир эшиги олдидидаги соябон остида ўлтирдилар... У (Хонзода бегим — Б. А.) бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаетган эди. Бегим қўринишда қирқ ёшлар қамасидаги тўладан қелган, оқ юзли аёл эди».

Сароймулкхоним тасвири: «Барча халқ ўринларига ўлтириб, саранжомлик ўрнатилгандан кейин тўйда, подшоҳ ҳузурида бў-лиши лозим бўлган қатта Қанъо қодирлар ёнидаги саропардаларнинг биридан чиқиб қелди. Хоним мана бундай қийинғая эди: эғнида зар билан тикилган, этаги ергача судралиб турган узун ва қенг енгсиз қизил шойи қўйлақ. Ёқа ва икки енг ўрнидан бўлак очик жойи бўлмаган бу қўйлақ белидан торайтирилган, этагига қадар қенгайиб боради... Қўйлақ этагини ўн бешға яқин аёл қўтариб борарди. Хонимнинг юзига офтобдан сакланиш учун шу қадар қўп оқ ёғли ўпа қурилган эдики, чехраси бамисоли оқ қозға ўхшарди. Қишда ва ёзда сафарға чиққан барча асилзода аёллар юзларига шунақа ёғли ўпа суртадилар. Хонимнинг юзига юпка оқ мато ташланғаш, бошида факат жангда қийиладиган дубулғаға ўхшаш баланд, қизил тусдаги бош қийими. Унинг бир ўчи хонимнинг елкасига тушиб турибди. Ўша

кизил дубулгага жуда кўп йирик, дона-дона марваридлар, ёкут, фируза ва бошка хилма-хил [кимматбаҳо] тошлар. кадал-ган. Бош кийимниш халиги елкага тушиб турган кисми зар билан тикилган, [унга]кимматбаҳо тошлар ва йирик марварид-лар билан безатилган чиройли олтин баргак кадалган... Хонимнинг тим кора сочлари елкасига тушиб турарди...»

Халил султон тасвири: «Халил султон отасига ўхшаш микти гавдали, ок юзли, 22 га кирган (1404 йил — Б. А.) йигит эди».

«Кундалик»да шунга ўхшаш кизикарли маълумотлар жуда кўп.

Клавихонинг «Кундалиги» да айрим ноаникликлар, хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Улардан баъзиларини келтирамиз. «Айтишларича,— деб ёзади Клавихо,— Темурбек ўзининг тўрт-беш хизматкори билан кўшни хонадонларнинг бир куни кўйини, иккинчи куни сигирини тортиб ола бошлайди... Баъзан базмга берилиб кетиб ўгирланган кўйлар билан уларни меҳмон киларди. Баъзан жасурлиги, олижаноблиги тутиб кетиб, бор нарсасини ўз одамларига сидкидилдан бўлиб берганлиги туфайли, унинг атрофига кўп одамлар тўплана бошлайди. Охири унинг отликлари 300 га етади. Шундан кейин у ўз отликлари билан узокларга бориб ўзи ва одамларига керак бўлган нарсаларки талаш ва ўгирлаш билан машгул бўлди; йўлларга чикиб савдогарларии кам талай бошлади». Лекин сохибкироннинг ҳаётига бағишланган биронта тарихий асарда унинг ўғри ва йўл-тўсар бўлганлиги ҳақида маълумот учратмадик. Бу ҳақда ҳозирги айрим китобларда учраб турадиган бундай гаплар афтидан Клавихонинг кимдандир эшитган мана шу ярим афсона гапларига асосланганга ўхшайди.

«Кундалик»да Чигатойнинг ўлими ва Халил султоннинг Амир Темур вафот килган кунлардаги ахволи ҳақида айтилган гаплар ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Хусуван, Клавихонинг айтишича, Чигатойни Самарканд халки ўлдирган эмиш, Хадил султон бўлса. Темур вафот килган кунлари Самаркандда бўлган эмиш. Аслида, бундай эмас. Чигатой ўз ўрдасида, Ила дарёси бўйида 1242 йили вафот килган, Халил Султон эса Темур вафот этган куни Тошкентда бўлган.

Клавихо Амир Темур 1404 йилни 4 сентябрь куни Тўхтамишнинг элчисини ўз юртига жўнатиш билан банд бўлганлигини ёзади. Маълумки, Тўхтамиш бу вақтда йўқ эди, Самаркандга, Темур хузурига эса унинг ўғилларидан Чехра ўғлон келганди. Асарда учрайдиган яна бир камчилик — бу киши ва жой номларининг ёзилишидаги чалкашликлардир. Албатта, бошка миллат кишиси учун маҳаллий атамалар ва сўзларни тўғри талаффуз қилиш жуда қийин. «Кундалик»да тилга олинган Амират — Мурод, Кариль султан — Халил султон, Кирманоли — Мануил Палеолог, Карамиш — Тўхтамиш, Миаша мирасса — Мироншоҳ мирзо, Ангури — Ангора, Балдат — Бағдод, Баубертель—Бовард, Канбалек—Хонбалик, Каррас—Аракс, Орасан— Хуросон эканлигини англаш мумкин. Лекин улар орасида Буамо, Талисия, Жағаро каби атамалар ҳам борки, уларии асло аниқлаб бўлмайди.

Энди бир неча сўз «Кундалик»нинг чоп этилиши ва таржималари ҳақида. Асар биринчи марта 1582 йили, яъни ёзиб тамомлангандан 150 йил кейин Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилди. Орадан 200 йил кечгач, 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи марта нашр этилди. «Кундалик» испан тилида учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада тарафидан нашр этилди. Асар

рус тилида биринчи марта (таржимон И. И. Срезневский) 1881 йили Петербургда чоп этилган. Яқинда (1990) «Кундалик» иинг яна битта русча иашри (И. С. Миракова нашри) амалга оширилди. Таникли адабиётшунос олим профессор Очил Тогаевнииг ўзбекча нашри И. И. Срезневский нашрига асосланган ва талаб даражасида амалга оширилган.

Бўриной Ахмедов